

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЎЗЛАШМА ҚАТЛАМ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРИ

Носирова Хуршида Комил қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Навоий академик лицейи

Инглиз тили фани ўқитувчиси

Аннотация: Инглиз ва ўзбек тилларида фойдаланиш доираси чекланган лексик бирликлар жуда ҳам кўп учрайди. Уларнинг аксарият кўпчилиги янгилиги ва оригиналиги билан тилда фаркланадиган лисоний ҳодиса ҳисобланади. Мавжуд тиллардаги ўзлашма қатлам лексик бирликлари бир тилдан иккинчи тилга кўчиши масаласи ҳам долзарб.

Калит сўзлар: фойдаланиш доираси чегараланган лексик бирликлар, нофаол лексик бирликлар, сўз ўзлаштириш.

Ўзлашма сўзлар тил луғат таркиби бойишининг воситаларидан бири ҳисобланади. Ассимиляция даражасига кўра, ўзлашма сўзлар: 1) тўлиқ ассимиляция қилинган, яъни ўзлаштирган тилнинг морфологик, фонетик ва орфографик нормаларига тўғри келадиган ва сўзловчилар томонидан инглизча деб қабул қилинадиган сўзлар (*travel, street*), 2) қисман ассимиляция қилинган сўзларга, яъни талаффузда, грамматик формада ва ёзувда чет тилдаги ҳолатида сақланган сўзларга: *analysis, pl. analyses, bacillus, pl. bakilli, formula, pl. formulas & formulae, bacterium, pl. bacteria boulevard, kanal, restaurant, korps* (Бу сўзлар талаффузда кўпинча ўзгариб туради. Масалан, *restaurant* сўзининг охириги бўғини (*ro:n*), (*ra:n*), (*ra:*), (*ran*), (*ron*) каби шаклларда талаффуз қилинади) ва 3) қисман ассимиляция қилинган сўзларга бўлинади: Бу турга бошқа мамлакатлар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаладиган ва инглиз тилида муқобили бўлмаган сўзлар киради.

Масалан, рус тилидан: *steppe, rouble, verst*.

Испан тилидан: *duenna, hidalgo, matador, real* (манга).

Халқаро байналмилал сўзлар манба нуқтаи назаридан ягона бўлиб, қатор тиллар учун умумий бўлиши билан характерланади. Уларнинг кўпчилиги латин ва грек тилларига мансуб (*democracy, philosophi, atom, satellite, synonym, rhythm*). Бир қисми эса замонавий тиллардан олинган. Масалан, *Sputnik* (русча), *sonata, soprano, violoncello* (итальянча) каби.

Байналмилал сўзлар ўқув-ўқитиш ишларида муҳим аҳамиятга эга. Лекин бундай сўзларнинг асосий маъносига эътибор қаратиш керак. Масалан, *control* сўзи инглиз тилида полисемантик бўлиб, унинг асосий маъноси *контроль қилмоқ, текширмоқ* эмас, *бошқариш, раҳбарлик, ҳокимликдир*. Инглиз тилидаги *family*

оила ёки уруғ маъносидадир. Унинг ўзбек тилидаги *фамилия* сўзи маъносига умуман алоқаси йўқ. Шунингдек, русча *индустрия* сўзи унинг синоними бўлган *промышленность* сўзига нисбатан кам қўлланади, чунки у инглизча *industry* сўзининг эквиваленти эмас. Бундан ташқари, сўнги сўз инглизчада яна меҳнатқаш, тиришқоқ маъноларига ҳам эга бўлиб, таржимада қийинчилик туғдиради. Инглизча *magazine* сўзи ҳам *журнал ва ҳарбий захира омбори* маъносида бўлиб, ўзбекча *магазин* сўзи маъносига умуман тўғри келмайди. *Original* оти ва русча оригинал сўзи барча маъноларида тўғри келади. Аммо *original* сўзининг омонимлари ҳам бўлиб, улар *бошланғич, асл* маъносидаги сифат ҳамдир.

Кельт тилидан инглиз тилига ўзлашган сўзлар асосан топонимлар бўлиб, улар сон жиҳатдан жуда камдир:

Aber-дарёнинг қуйилиш жойи; шаҳар номларида: *Aberdeen, Fberavon, Abernethe*.

Avon -кельтча. *Amhuin* -дарё. Англияда шу номдаги 14 та дарё бор.

Car, caer –қаср. Ундан *Carlisle, Cardiff, Caernarvon*.

Coill ўрмон. *Killbrook*.

Лотин тилдан ўзлашган *castium* форт, истехком сўзи воситасида ҳосил бўлган *caster, chester* терминлари иштирокида ҳосил бўлган *Lancaster, Dorchester, Manchester, Winchester* каби топонимларни кўрсатиш мумкин.

Мазкур гуруҳдаги лексик бирликлар сўзлашув нутқи воситасида ўзлашган ва инглиз тилига тўлиқ ассимиляция қилиниб, унинг асосий луғат бойлигидан ўрин олган. Шунингдек, инглиз тили грамматик тузилиши ва фонетик қонуниятларига тўлиқ бўйсунган.

Олимлар лотин тилидан инглиз тилига турли даврларда ва турли йўллар билан ўзлашган диний тушунчалар ҳақида ҳам қайд қиладилар: *altar* (лот. *altare, altus* -юқори, олий) *candle* (лот. *candela*), *cred* (лот. *credo*), *nun* (лот. *nonna*) *temple* (лот. *templum*) каби. Бу диний терминларнинг асосий қисми билвосита йўл билан, яъни лотин тили орқали грек тилидан кириб келган. Масалан, *apostle* (гр.*apostolos* хабар, пайғом етказувчи), *bishop* (гр.*episkopos*), *church* (гр. *kyriakon*), *pope* (гр.*papas*).

Шунингдек, қишлоқ хўжалигига оид терминлар ҳам кўплаб ўзлаштирилган: *spade* белча, *sicle* ўроқ, *coulter* ооч тиши, *mill* тегирмон каби.

Қурилиш материаллари терминлари: *tile* черепица, *mortar* оҳак, *marble* мрамор, *chalk* бўр.

Жаҳон маданиятига хос сўз сифатида *paper* лотинча *paperus*, грекча *papiros* сўзини киритиш мумкин.

Скандинавия тилларидан олмошлар *they* улар, *same* худди, айнан ўзи; боғловчилар: *till* ҳозирча йўқ, *though* гарчи; ва *fro* орқага равишлари

ўзлаштирилган. Скандинав тилларидан ўзлашган сифат , феъл ва от сўз туркумига хос лексик бирликлар сони ҳам жуда кўп.

Скандинавия тиллари топонимияда чуқур из қолдирган. Масалан, *by* қишлоқ, шаҳарча: *Derby, Grimsby, Kirkby, Holmby*-қиёсланг. *by-law. Dal* водий, *Avondale, Danesdale; gate* йўл, *Ntwgate, Sandgate; holm* орол, *Holmby, Langholm, Holmforth* каби.

Француз тили сиқиб чиқарилганлигига қарамай, французча сиёсий терминлар сақланиб қолди. Шундай қилиб, французча ўзлашмалар асосий луғавий бойликдан эмас, маълум лексик қатламдан ўрин олди. Булар асосан феодал муносабатларни ифодаловчи сўзлардир: *feudal, baron, vassal, liege, chivalry*.

Айрим сўзлар ўша даврдаги феодализм мафкураси билан боғлиқ терминлар бўлса-да, кейинчалик умумий маъно ифодаловчи сўзлар бўлиб қолди .Масалан: *command, oleyserve, noble, glory, danger*.

King, queen, earl, lord ва *lady* дан бошқа қарийиб барча унвонлар билан боғлиқ терминлар: *peer, prince, count, duke*, шунингдек, *sir* ва *madam* мурожаат сўзлари норман-француз тилига мансуб.

Шунингдек:

- 1) давлатни бошқариш билан боғлиқ: *state, realm, people, nation, government, power, authority, court, crown;*
- 2) пул муомаласи билан боғлиқ сўзлар: *money, property*
- 3) ҳарбий терминлар: *army, battle, frms, victory, navy, trops, quard*
- 4) ҳуқуқшуносликка оид терминлар: *accuse, court, crime, felony, plaintiff, defentant, attorney* ва бошқа кўплаб сўзлар норманфранцуз тилининг инглиз тилидаги изларидир.

Адабиётлар:

1. Гальперин И.Р., Черкасская Е.Б. Лексикология английского языка.Изд “Ин-яз”, М.,1956.
2. Дублягин Ю.П, Теплецкий У.А. Краткий англо-русский и русско-английский словарь уголовного жаргона”, М., ”Терра”, 1993.
3. Дониёров Р, Қосимов А.“Терминология ва сўз ясалишининг айрим масалалари” (“Ўзбек тили ва адабиёти”,1995,4-сон)